



Мурасасиз Беллашув давом этмоқда

Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган теннис бўйича Халқаро дўшанба турнири — 2004 мусобақалари қизгин паллага кирди.

Ўзбек теннисининг ёрқин юлдузи, 22 ёшли Ирода Тўлаганованинг Францияда биринчи рақамли ракетка устаси Марион Бартоли устидан галабаси спорт ишқибозлари ўртасида катта шов-шув бўлди.

Бир соату 28 дақиқа давомиди бу икки теннисчи ўртасида кечган кураш муҳлисларга ҳаяжонли дақиқалар туҳфа этди. Ирода ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— Мен катта теннисга она-юртимдан, «Тошкент олен» уйинлари орқали қайтганимдан хурсандман. Аслида ниятим ҳам шу эди. Бу эса мен учун омадлик бўлди. Бундай катта мусобақага атиги бир ойгина тайёргарлик кўргандим. Лекин нима бўлса ҳам, бу ўйинда голиб бўлиш насиб этди. Кейинги давра ўйинларида ҳам имкониятларни бой бермасликка ҳаракат қиламан.

Шунингдек, мусобақанинг энг қизқарлик ўйинларидан бири си-

фатида россиялик Е. Линетская ҳамда таиландлик Т. Танасугарн ўртасида кечган бахсини айтишимиз мумкин. Моҳирона ўйин кўрсата билган Линетская 6:4, 4:6, 6:0 ҳисобида голибликни кўлга киритди. Е. Бичкова (Россия) ва А. Барно (Германия) баҳсида ҳам россиялик теннисчининг қўли баланд келди.

Афсуски, жуптик баҳсларида иштирок этаётган ҳамюртларимиз В. Эшкбарова ва Д. Саидхўжаева рақиблари бўлмиш Е. Бичкова ҳамда М. Головинанига имкониятни бой бердиши.

Қолган ўйинларда кўйидиғича натижалар қайд қилинди: А.Барна, А. Сантонжа — М.Мюллер, Ж. Шриф 7:5, 6:2. Андриана Занетти, Антониола Занетти — О. Антурина, Е. Зекаливеч 6:2,6:3. Ю. Островская, О. Савчук — Ю. Белгейзимер, С. Тажала 7:6, 5:7, 6:1. Эртага мазкур мусобақа доирасида болалар турнири бошланади.

Р. ЕРЛАҚАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сиз нима дейсиз?

Бундан икки-уч кун аввал рўзгор таъшишлари билан «Чилонзор» буюм бозорига бордим. Бозорда жондан бошқа ҳамма нарса бор. Ҳамён бакуват бўлса, бас. Хоҳлаганингизни танлаб olasiz. Мен ҳам шу мақсадда расталар оралаб юриб, галати бир воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдим. Ун олти-ун етти ёшлардаги қиз мўсафид сотувчига тинмай ялинardi:

— Амаки, жон амаки, уч минг сўмгина пулим қолибди, холос. Келинг, кофтани шу пулга бера қолинг.

— Айтдим-ку, сенга. Яна қайтариб айтаман: беш мингдан кўра йўқ. Ҳамма кўтарасига тўрт ярим мингдан тушган нарсадан бир ярим минг зарар кўриб турсам, уйимга ўт тушмайди, она кизим?

Хуллас, уларнинг савдоси пишмади. Қизганининг йиғлаб юборгудай бўлиб турганига раҳимим келиб, харид қилмоқчи бўлган кофтасини кўргим келди. Сотувчи «Сен олмасанг, бошқаси олади» дегандек, қизга бир қанча кўйиш, кофтани кўй қўллаб менга тутқази. Гарчанд кофта деб аталса-да, аслида эркаклар майкасини эслатувчи ажабтовур матонинг олд томониди «Елгон асира-

Кийим ҳам ҳусн

си» бадий фильмининг қаҳрамонларидан бири—суяқ оёқ Паула кибор билан жилмайиб турарди. Елкалари бутунлай яланғоч... Бирданига феълим айниб, аъзои баданимни арилар талагандай бўлди. Ҳалигина раҳимини келтирган қиз энди кўзимга балодай кўрина бошлади. Менинг бу холатимни бошқача тушунган сотувчи эса «Олмасанг нима қилардинг бошимни қотириб» дегандек, бир ўқрайди-ю, кофтани жойига илиб қўйди.

Яширининг хожати йўқ, кейинги пайларда ёшларимиз (мода кети-

дан қувиб деймизми, телевидениеда кетма-кет намойиш этилаётган турли савиядаги сериаллар таъсиридами ёки бошқа сабаблари борми) кийиниш маданияти борасида бошқа кўчага кириб кетишгандай. Ота-боболаримиздан мерос бўлган

анъаналарини ўзида ифодаловчи ҳодиса. Кийим — ор-номус, орият, гурур, қадр-қиммат ва ҳусн. Шунинг учун ҳам дунёда бир халқнинг ўз кийими бор. Ўзлигини яши билган, кимлигини унутмаган ва ҳурмат қилган ҳар бир инсон, аввало, ўзининг миллий кийимини қияди

вал бўйга етган қизлар ва аёллар диний либос сифатида қоп-қора кийим қия бошлади. Уларнинг фақат кўзларига кўриниб турарди, холос. Аслида бу қора қўйлагу халатлардан Арабистонда жазирамадан ва кум бўридан сақланиш учун фой-

арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам ортидан боради» деган нақл бежиз айтилмаган; ахир, Ҳар бир халқнинг, ҳусусан, ўзбекининг ҳам ўзига хос бўлиши кийиниш маданияти мавжуд. Зеро, бугун бир қатор сабаблар туфайли улар унутлаётган экан, кийиниш маданиятини тарбиялаш зарурлигига ўз-ўзидан эҳтиёж туғилади. Мазкур тарбия оиладан, боғчадан, мактабдан бошланиши шарт.

Эҳтимол, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, шундай бўлса ҳам, ҳамма хоҳлаганича кийинади-да, дегувчилар ҳам топилар. Устига устак, бугун биз дунёдан кўп нарса олаётимиз ва ўз навбатида кўп нарса бераямиз. Тараққий этиш эса тўхтатиб бўлмайди. Лекин шунинг унутмаслик керакки, ҳар нарсанинг меъёри ва чегараси бор. Бу ўлчов бузилса, мувозанат йўқолади, гўзаллик ўз ўрнини бачканаликка бўшатиб беради. Шундай экан, миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда, чиройли ва кўркам кийиниб юрмоқ халқимиз маънавиятининг бир кўринишидир.

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Жиззахдаги кардиология диспансери энг намунали шифо масканларидан бири ҳисобланади. Олий тоифали шифокорлардан тортиб оддий ходимларгача бу ерда доволанаётган беморлар атрофида парвона. Касалликдан тез ва асоратсиз фориғ бўлишлари учун қўлидан келган ёрдамларини аямайди.

Яқинда мазкур шифохонага жаҳон тиббиётидаги энг сўнгги замонавий «Yogi 700 MR» аппарати келтирилши эса нур устига аъло нур бўлди. Беморларга тез ва тўғри таъсири қўйиш, турли юрак-қон-томир касалликларини аввалдан аниқлашга кенг имконият яратди.

— Эндиликда юрак-қон-томир фаолиятидаги касалликлар, ҳавфли ёки ҳавфсиз усмалар бошланғич даражада аниқланмоқда, — дейди шифохона доволан бўлиши раҳбари Фурқат Исмолов (суратда).

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Дўстлик фестивали

— Пойтахтимизда Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Корея Халқаро ёрдам жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида «Дўстлик» фестивали ўтказилмоқда, — дея хабар беради «Туркостан-пресс» мухбири. — Фестивал доирасида ўтказилаётган маданий тадбирлар, кўрик-танлов ва музикӣ кечалар икки халқни бир-бирига яқинлаштирмоқда.

Тадбир сўнггида ўзбек ва корей қўшиқлари янгради, фестивал иштирокчиларига сертификатлар топширилди.

Advertisement for 'ТЕХСЕЛЬСНАВ' МЧЖ, a car parts store in Tashkent. It lists services like car diagnostics and parts replacement, and provides contact information.

«Филипс»нинг беғараз ёрдами

Пойтахтимиздаги республика Шошилинч тиббий марказига «Филипс» компаниясининг «Газел» русумли автомашинаси ва тиббий асбоб-ускуналардан иборат беғараз ёрдами топширилди. Қарий 25 минг долларлик ушбу ёрдам шошилинч тиббий хизмат маданиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мазкур компания шу кунга қадар соғва қилган доридармонлардан ташқари, олтига рентген ускуналари, турли касалликларни даволашда ишлатиладиган замонавий жиҳозлар одамлар саломатлигини тиклашда фойдаланишга қўлайлик қўлади.

Table with lottery results for O'ZLOTTO KUNDALIK. It includes columns for dates (04.10.04 to 09.10.04) and winning numbers. Below the table are details for two draws (1-тиражнинг and 2-тиражнинг) including winning numbers and prize amounts.

Advertisement for 'Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламнгиз бўлиши мумкин эди!' (At this place your advertisement can be placed!).

Large advertisement for 'ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ' (Uzbekistan Communication and Information Agency). It lists various services and contact information.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' (Folk Word). It mentions the publisher and contact details.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ' (Editor-in-Chief Abboskhon Usmonov). It lists the editorial board and contact information.

Advertisement for '«Халқ сўзи»даги Реклама' (Advertising in 'Folk Word'). It lists advertising rates and contact information.